

## Уламолар шаъни ва обрўсига эҳтиёт бўлайлик!



14:30 / 24.06.2021 4269

Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда айтилаётган баъзи гап-сўзлар, тарқатилаётган айрим материаллар дин ҳақида қайғурадиган ҳар бир мусулмонни хавотирга солмоқда, дилига қайғу келтирмоқда. Кўпчилик гувоҳ бўлиб турибдики, биз дилни хира қиладиган, кўпчиликни ранжитган ишларни назарда тутмоқдамиз.

Хусусан, юртимизга таниқли, халқимиз ардоқлаган ва мусулмонларимиз эргашаётган уламоларни беҳурмат қиладиган, уларнинг камчиликларини оммага ошкор этувчи видеомонтажлар ҳақида мулоҳазаларимизни айтишга мажбур бўлмоқдамиз. Айниқса, беодоб кишиларнинг шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳдек олимни ҳам бу шаклда сохта кўринишда кўрсатиш одобсизликнинг ҳадди аълоси бўлди.



ҳолларда янглишлари, ўзаро ихтилофга боришлари кузатиладиган одатий ҳолдир. Бироқ бу ҳолатда бошқа мўминларнинг вазифаси дарҳол орани ислоҳ қилиш, тузатиш ҳисобланади. Аллоҳ таоло ўз бандаларининг табиатини яхши билгани учун уларда учрайдиган нуқсонни бартараф қилиш йўлларини ҳам кўрсатиб қўймоқда.

Учинчидан, Аллоҳ таоло «Аллоҳга тақво қилинг!», яъни «Аллоҳдан қўрқинг!» дея амр, эслатма беряпти. Демак, ўрталарида бироз тушунмовчилик юз берган мўминларнинг орасини ислоҳ қилиш, тортишиб қолганларнинг бу ислоҳга чин дилдан рози бўлиши, бир-бирларини кечириб, афв этишлари Аллоҳдан қўрқишнинг, тақвонинг белгисидир. Агар икки мусулмонни бошқа мусулмон яраштирмаса, орасини ўнглашга ҳаракат қилмаса ёки бундай хайрли ишга тортишиб қолганлар кўнмасалар, кибр қилсалар, бу Аллоҳга тақво қилиш эмас, балки Аллоҳдан қўрқмасликдир.

Тўртинчидан, мўминлар Аллоҳга тақво қилсаларгина, Аллоҳнинг раҳматига эришадилар. Шунинг учун Аллоҳ «Ла аълла кум турҳамун», яъни шояд раҳм қилинсангиз деб айтяпти. Бундан шундай хулоса чиқадики, мўминлар ўзаро тортишиб қолсалар, уларнинг устидан Аллоҳнинг раҳмати кўтарилади. Мўминлар бир-бирларига раҳм қилмасалар, ўзаро қилпичоқ бўлиб, адоватлашсалар, Аллоҳ уларга раҳм қилмайди, балки ғазаб қилади. Демак, дарҳол уларнинг орасини тузатиш, ислоҳ қилиш, яраштириш шарт, шундан сўнг Аллоҳ уларга раҳм қилиши, раҳматини ёғдириши мумкин.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳнинг «Адаб ал-муфрад» ҳадислари тўпламини «Одоблар хазинаси» номи билан ўзбек тилига шарҳлаган ҳолда таржима қилган. Мазкур китобда қуйидаги ҳадис бор:

رَمَاعِ نَبَّهَ بَقُعَى لَى لِمُوقِ عَاجٍ؛ لَأَقُؤْ عَنُؤْ هَلَلَا يَضَرُّ رِيْرِمَ ثِيَهَلَا يَبَأُ نَعَمُ امْلَا لَى لِمُؤْعَفَرَنَفَا، نَوُلْغَفَيَوَ نَوُبَرْشَيَ أَنَارِي جَ أَنَلَّ نِ؛ أَوْلَاقَفَ نَمَ يَأْرُؤْمَ»؛ لَوُقَيَ مَلَسَوَ هَلَلَا لَوُسَرُؤْتَعَمَسَ، أَل؛ لَأَقُؤْ «أَوْرَبَقُؤْمَ ءَؤُؤْمَ أَيَحَأُؤْمَ كَنَاكَ، أَوْرَتَسَفَ ءَؤُؤْعَ مَلَسُمُ

Абул Ҳайсамдан ривоят қилинади:

**«Уқба ибн Омирнинг олдига бир қавм келиб:**

**«Бизнинг қўшнилариимиз ичишади, у қилишади, бу қилишади, шуни бориб, имомга айтсакмикан?» - дейишди.**

**«Йўқ! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким бир мусулмоннинг айбини кўрса ва уни беркитса, худди тириклай кўмилган қизни қабрдан чиқариб, қутқариб олгандек бўлади», - деганларини эшитганман», - деди».**

Ушбу ҳадис Абул Ҳайсам раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинган. У киши эса Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳунинг ҳаётида бўлган, у киши айтган ҳадисни бизга етказмоқда. Яъни, Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳунинг олдига бир қавм – бир жамоа келди. Улар ўз қўшниларидан шикоят қилишди. Қўшнилари ичаркан ва турли номақбул амаллар қилишар экан. Шунини имомга бориб айтсакмикин, шикоят қилсакмикин деб сўрашди. Имомдан мурод – ўша вақтдаги халифа ёки Ислом амиридир. Аммо Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу: «Йўқ, айтманглар», - **дедилар**. Нима учун? Ҳадис шарҳида айтиладики, «...айбдорлар бу ишни яшириб қилишган. Яшириб қилса, демак, бир гап бор, демак, бир марта қилган бўлиши мумкин, кейин қилмаслигига умид бор. Лекин ошкора қилса, бу иш масъул одамга албатта етказилади. Мисол учун, биров кўчада ошкора маст бўлиб юрибди. Буни айтмай бўлмайди. Лекин уйда бекиниб, яширинча ичаётган кишини кўрган одам бу ҳақда ҳаммага жар солмаслиги, аксинча, буни яшириб, «Мен нотўғри кўрган бўлайин, бу иш яхши бўлиб кетсин» қабилида Аллоҳ таолога дуо қилиши керак экан. Иншааллоҳ, шунда ҳаммаси яхши бўлиб кетади».

Демак, бир мусулмоннинг айбини беркитиш билан мўмин киши **«худди тириклай кўмилган қизни қабрдан чиқариб, қутқариб олгандек бўлади».**

**Хулоса шуки, мусулмонлар бир-бирларининг айбларини айтишга, бир-бирларини шарманда қилишга шошилмасинлар.**

Бугун биз ўз ҳолимизга боқайлик, ўзаро тортишишга ружу қўйдик, бир-биримизнинг пинҳон ва ошкор айбларимизни излаб топиб, одамларга тарқатмоқдамиз, орамизни ислоҳ қилиш ҳақида қайғурмаймиз, бу ҳақда ўйламаяпмиз, аксинча, айрим хатти-ҳаракатларимиз ўртадаги келишмовчиликни алангалатиб, уни адоватга айлантириш мақсади бордек тасаввур уйғотмоқда. Айниқса, мусулмон олимларининг вафотидан хурсанд бўлиш, бу хурсандчиликни изҳор қилишдек ёмон кўрилган амаллар мутлақо холислик эмас, балки душманликни ёдга солади.

Бу масаланинг бир томони, яна бир жиҳати шуки, агар мусулмон биродаримизда ёки олимларда бирор камчилик кўринса, қандай йўл



кўтариб, фожирлик қилиб жанжаллашишлари насихат ҳисобланмайди. Аксинча, ҳусни хулқ, гўзал сўз ва чиройли амал энг фойдали насихатдир.

Муаммонинг яна бир жиҳати – ҳар ким ўз вазифасини англаши, шунга мувофиқ ҳаракат қилишидир.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар иш эгасининг қўлидан бошқага ўтса, қиёматни кутавер», – деганлар.

Бу ҳадиснинг матни каттароқ, биз ундан иқтибос келтирдик, уни имом Бухорий ва имом Муслимлар ривоят қилишган.

Насихат қилувчи насихат қилмаса, яъни бу иш бошқанинг қўлига топширилса, бошқа инсон ўзи муносиб бўлмаган ишга даъво қилса, бу қиёматнинг аломатларидан ҳисобланар экан.

Хулоса, ҳар биримиз динимизга тўқис амал қилиш истагида эканмиз, мусулмонлар шаъни ҳақида қайғурмоғимиз лозим. Мусулмон биродарларимизнинг айбу нуқсонларини излашдан тийилайлик. Уларнинг айбу нуқсонларини оммага жар солишдан ҳаё қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Агар мусулмонда йўқ нуқсонни гапирсак, тухмат, бор айбни ортидан гапирсак, албатта, ғийбатдир. Бу ишларнинг барчасидан қайтарилганмиз. Токи бирлигимизга путур етмасин. Аллоҳнинг раҳматидан мосуво бўлмайлик.

***Абдул Ҳамид Маликов,***

***Пискент туман бош имом хатиби***